

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
КУТУБХОНАСИ

ОЗОД ҚАЛБ КУЙЧИСИ

АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
КУТУБХОНАСИ

ОЗОД ҚАЛБ КУЙЧИСИ

*Шухрат (Ғулом Алимов) таваллудининг
90 йиллиги муносабати билан*

Методик-библиографик қўлланма

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси нашриёти

Тошкент – 2008

78.342

О 36

Илмий-методика бўлими томонидан тайёрланди

Тузувчи	А.Ибрагимова
Муҳаррир	О.Қиличбоев
Матн терувчи	З.Жалилова

Озод қалб қуйчиси: Шухрат (Ғулом Алимов) таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан: Метод.-библиогр.қўлл. / Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи А.Ибрагимова; Муҳаррир О.Қиличбоев.-Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2008.- 28 б.

КБК 78.342+85.31

Ушбу методик-библиографик қўлланма ёзувчи Шухрат (Ғулом Алимов) таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан тузилди. Қўлланмада Шухратнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида умумий маълумотлар, шунингдек, АКМ ва АРМлар ҳамда кутубхоналарда ўтказиш мумкин бўлган тадбирлар туркуми берилган.

Қўлланмадан мутахассислар ва Шухрат ижодига қизиқувчи китобхонлар фойдаланишлари мумкин.

© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008 йил.

Сўз боши

*Адабиётимиз тоғлари силсиласида
бошини оппоқ қор чуллаган чўққи
сингари Шухрат сиймоси ҳар доимо
қўзга ташланиб тураверади.*

Абдулла Орипов

Истеъдодли шоир, ширинзабон носир, закий таржимон ва мақоланавис Шухрат (Ғулом Алимов) адабиётимизда олтмиш йилдан ортиқ ҳалол тер тўккан ёзувчи. Ўнлаб шеърий тўпламлар, шеърий таржималар, уч роман, бир неча повестлар ва драматик асарлар шунча йиллик изтироб ва изланишлари сарҳисобидир.

Ёзувчининг қаламига мансуб “Шинелли йиллар”, “Олтин зангламас”, “Жаннат кидирганлар” романлари, шеърий туркумлари, балладалари, шеърий таржималари, ҳикоялари, адабиётимизнинг бой маънавий мероси ҳисобланади. Халқимизнинг маънавий дунёсини бойитишга, ўзбек адабиётини ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси, Ватан олдидаги фидойи меҳнатлари эътиборга олиниб, марҳум адиб Шухрат (Ғулом Алимов) вафотидан кейин “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланди.

2008 йил 19 апрелда Шухрат (Ғулом Алимов) таваллудига 90 йил тўлди. Шухрат таваллудини нишонлашда ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказлари адабиётлар тарғиботининг китоб кўргазмаси, илмий-амалий конференциялар, китобхонлар конференцияси, адабий-бадий кечалар, билимдонлар беллашуви, оғзаки журнал ва бошқа кўплаб тадбирлар туркумидан фойдаланишлари мумкин.

Бундай тадбирларга филологлар, шоир ва ёзувчилар, адабиётшунослар, санъаткорлар ҳамда адабиёт ўқитувчиларини жалб қилиш мумкин.

Қўлланма ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказларида ёзувчи таваллудининг 90 йиллигига бағишланган тадбирларни ўтказишда мутахассисларга ёрдам бериш мақсадида тайёрланди.

Шухратнинг ҳаёти ва фаолияти

Ўзбек халқининг севимли ва бетакрор адиби Шухрат ижодий мероси ўзбек адабиётшунослигида муҳим ўрин тутди.

Алимов Ғулом Аминжонович (тахаллуси Шухрат) 1918 йил 19 апрелда Тошкент шаҳрида оддий меҳнаткаш оиласида туғилган.

Шухрат ўрта мактабни битириб, 1932 йилда Транспорт техникумига ўқишга киради.

Адиб болалик йилларидаёқ адабиётга бўлган кизиқиши сабабли кўп мутолаа қилди. Ўрта Осиё транспорт инженерлари тайёрлаш институти (ҳозирги Тошкент темир муҳандислари институти) ва Низомий номидаги Тошкент педагогика институтида (ҳозирги Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети) ўқиди. Ўқиш билан бирга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг маслаҳат бюросида котиб бўлиб ишлади ва адабий ҳаётга янада яқинлашади.

Шухрат ўтган асрнинг 30-йилларда Саид Аҳмад, Ҳамид Ғулом, Туроб Тўла, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Шукрулло сингари истеъдодли ёшлар билан бир даврда адабиёт майдонида кириб келди.

У 1940 йилдан бошлаб бадиий ижод билан самарали шуғулланди.

1940 йил кузида ҳарбий хизматга чақирилган Шухрат Иккинчи жаҳон уруши жангларида офицер лавозимида душманга қарши мардоновар жанг қилиш билан бирга, қаламини немис-фашист босқинчиларига қарши қаратди. Кейинчалик бу давр “Шинелли йиллар” романининг яратилишига асос бўлди.

Урушдан сўнг республика рўзнома ва ойномаларида адабий ходим бўлиб ишлаган шоирнинг шарафли меҳнатни мадҳ қилувчи “Ҳаёт нафаси” (1947), “Қардошлар” (1950) “Сенинг севгинг” (1961), “Сизнинг шаънингизга” (1962), “Ишқингда ёниб” (1964), “Лирика” (1968) сингари ўнлаб тўпламлари нашр этилди. “Қиз табассуми”, “Дунай соҳиллари”, “Кавказ дафтари” каби шеърӣ туркумлари майдонга келди.

Уларда она-Ватан, инсон ва замин, ҳаёт ва тараққиёт, одам қадри ва дўстликнинг куч-қудрати, меҳнат ва бахт, эркинлик ва инсоний бурч, урушга қарши тинчлик ва тенглик учун кураш, севги-муҳаббат, ахлоқ-одоб ҳақида мушоҳада этилди.

Шухрат асарлари бугун ҳам қўлма-қўл бўлиб, севиб ўқилмоқда. Шоир шеърнинг туғилишини шундай таърифлайди:

Юракнинг олови, юракнинг гули,
Юракдан сикилган томчи-томчи қон...

Юрак тубидан қайнаб чиққан ўтли сатрлар ўз-ўзидан шеърпараст юракларга кўчди, адабиётга ташна юраклардан ўрин олди.

Шеърим, дунёга келдингми шу он
Исмимда қолма, қўй! Майли, ногаҳон –
Қўлимдан варракдек узилиб кетсанг,
Турналар сафига тизилиб кетсанг...

Сўнг шоир шеърга шундай қатъий талаб қўяди: “Қанотсиз қуш каби учолмай қолсанг, яхшиси, бу дунё юзини кўрма, ёш тўккан шоирнинг кўзини кўрма!” Ана шу юрак талабидан келиб чиқиб баҳолайдиган бўлсак, Шухрат ижодида ҳали кўп замонлар яшашга ҳақи бор шеърлар ўрин олган.

“Ён, чирғим” туркумдаги шеърларида кўпроқ Ватан меҳри, она-ер соғинчи, табиат ва инсон муносабатлари, ижод завқи-ю, азоблари, одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат, яхшилик ва ёмонлик мавзулари ёрқин мисраларда очиб берилган. Яхшилик, яхши инсон ҳақида Шухрат ҳамиша алоҳида меҳр билан ёзади:

Одаммисан, эзгу ишдан қўл узма,
Нокасларга шафқат қилма, қўл чўзма!
Яхшиларнинг елкасида бу олам,
Яхшиликни ният қилсин ҳар одам!

ёки:

Ижод қилдим виждоним тикиб,
Ижод қилдим умрим бағишлаб.
Ёмонликни фош этиб, сўкиб,
Яхшиликни ундаб, олқишлаб!

Шоир доим таъна тошларини отиб юрувчи ёмон кимсаларга қарата: “Эй, таъна тошларини отган кишилар. Сизни ҳам юрагим бугун олқишлар!”, – дейди. Кечириш ҳам, бағри кенглик

ҳам фақат яхши одамга хос фазилатдир. Биламизки, Шухратнинг ҳаёти ва ижоди бир текис, силлиқ кечмаган. Қамок азобларидан ташқари, ён-атрофидаги “дўстлари” ҳам улкан ижодкорга гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона тухмат тошларини отиб юрган. Лекин мард ва бағри кенг шоир ҳамма-ҳаммасини яхшилик билан, яхши асарлари билан енгиб яшаган. Енгиб яшаш эса осон эмас.

Умр кўрдим аччиқ-чучук,
Йўллар юрдим паст-баланд.
Довон ошдим, гоҳо кечик,
Туз тотидим, гоҳо қанд...

Шоир “Сенинг севгинг” туркумида соф ва беғубор муҳаббатни, вафо ва садоқатни юксакларга кўтарди. “Умр йўлдошимга”, “Севгинг талаби”, “Гул узмоқчи бўлсам”, “Сени севдим”, “Кел, жоним, бўстонимга”, “Чал, гўзал”, “Ҳали ҳам ўшасан” сингари шеърларда ошиқ юракнинг изтироблари, дарду қувончлари турфа манзараларда, ҳолатларда очиб берилган. Масалан, “Юрагимнинг кўзи бор” шеърида бундай сатрлар бор:

Сени қандай танлаб олди, айт,
Юрагимнинг кўзи бўлмаса!
Сени қандай севиб қолди, айт,
Агар айтар сўзи бўлмаса.

Забардаст адиб ва бетакрор шоир Шухрат ҳақиқий маънода айтар сўзи бор бўлган улкан ижодкор эди. Бу бетакрор сўзни “Сокин ўйларим”, “Ҳали тун узоқ”, “Кавказ дафтари” туркумларидан ўрин олган шеърларини ўқиганда ҳам ҳис қилиш мумкин. Ўзбек шеъриятида Кавказ мавзусини Шухрат акачилиқ ҳеч бир ижодкор катта меҳр ва жозиба билан қаламга олмаган. “Кавказ дафтари”ни ўқиркансиз, гўё Боку кўчаларида “Ёшлигимни соғиниб келдим”, дейсиз. “Арман раққосаси” ўйинларига мафтун бўласиз. Тбилисида юраркансиз, “Мен ёмонлик кутмайман ҳеч дўсту ёрдан!”, деб ҳайқирасиз. “Қалбингизда умрбод қолган” Каспий тўлқинларини соғинасиз. “О, Казбек, улуғ зот, машҳури олам”, дея ҳайратланасиз. Ва бу сатрлар йиғилиб сизни ҳам тоғлардай юксак бўлишга чорлайди.

Шухрат шеъриятига хос ҳаққонийлик, самимийлик ва бадий мукамаллик унинг насрий асарларига ҳам хос. Дарвоқе,

Шухрат шеърятти билан насриёти (прозаси) ўртасида умумий бир бутунлик ва мустаҳкам бирлик мавжуд. Бу бутунлик ва бирлик мавзулар ва ғоявий мазмун таркибида ҳам, образлар силсиласида, ички мантиқ ва услуб уйғунлигида ҳам очик кўринади. Ёзувчи шеъряттида бўлгани сингари насрий асарларида ҳам асосий эътиборни янги замон воқеа-ҳодисаларини тасвирлашга, кишилар онги – дунёқарашидаги ўсиш-ўзгаришларини кўрсатишга хилма-хил образлар яратиб, халқимизнинг ўзига хос феъл-атворини, фазилатларини очиб беришга қаратади. Ватанпарварлик, инсонпарварлик, қаҳрамонлик, меҳнатсеварлик, бунёдкорлик, вафодорлик ва садоқат сингари миллий характер белгиларини ўз асарларининг мағиз-мағизига сингдириб юборади. Шунингдек, асарларини миллий тароват (миллий колорит) билан безайди. Бу хусусиятлар ёзувчининг ҳикоя ва қиссаларида, айниқса “Шинелли йиллар” (1959) “Олтин зангламас” (1965), “Жаннат қидирганлар” (1968) номли йирик насрий асарларида яққол намоён бўлади.

У урушда кўрган-кечирганлари ҳақида “Шинелли йиллар” номли ilk романини ёзади. Шухратнинг “Шинелли йиллар” романида 1941 – 1945 йиллардаги жанговар ҳаёт, халқимизнинг ватанпарварлиги, мардлиги, босқинчи ёвга қарши қаҳрамонона курашиб буюк ғалабага эришгани ҳикоя қилинган. Ёзувчи романнинг бош қаҳрамони Элмуроднинг шинелли йиллардаги жанговар ҳаёти мисолида урушнинг бошидан-охиргача бўлган характерли воқеаларни акс эттирган. Асар воқеаси Ўзбекистонда бошланиб, Волга бўйларида, Кавказ ва Украинада, шунингдек, чет мамлакатларда давом этади. Воқеа Германияда гитлерчи фашистлар тор-мор қилиниб, буюк ғалабага эришилгандан кейин Элмуроднинг ўз уйига (Ўзбекистонга) қайтиб келиши билан тугайди.

Романда тинчликсевар халқларнинг адолат ва ҳаққоният йўлида олиб борган кураши ва инсоният олдидаги буюк хизмати образли равишда ҳаққоний кўрсатилган.

“Шинелли йиллар” жанг кўрган ёзувчининг қаламига мансуб бўлгани учун унда тахминийлик, мавҳумийлик йўқ, жанг манзаралари ҳарбий ҳаёт тасвири аниқ, ҳаётий ва ҳаққонийдир.

Адибнинг яна бир йирик романи “Олтин зангламас” “Шинелли йиллар”га қараганда маҳорат жиҳатидан анча илгарилаб кетди. Агар “Шинелли йиллар” роман-хроника бўлса, “Олтин зангламас” муаммоли воқеаларга бой роман. Бу ерда ёзувчи халқимизнинг уруш арафасидаги, уруш йилларидаги, урушдан кейинги давр ҳаётидан қатор жонли лавҳалар яратади; шу билан чекланмай ўша йиллар ҳаёти билан боғлиқ ўткир маънавий-ахлоқий, ижтимоий муаммоларга эътиборни тортади.

Ёзувчи бу китобни “юрагимнинг очик яраси ва шукронаси” деб атади мақолаларидан бирида.

Адибнинг “Олтин зангламас” романида шахсга сиғиниш давридаги адолатсизликлар, оқни қора деб бегуноҳ кишиларни қамашлар, асоссиз жазолашлар акс эттирилган. “Олтин зангламас” романини мустабид тузумнинг ҳалол бир ўзбек зиёлиси ҳаётидаги жонли инъикоси дейиш мумкин. Асар сюжети марказида эл-юрт учун жон фидо қилишга тайёр, ҳалол ишлаб, ҳалол яшаш ғоясига бир умр амал қилган соф виждонли, эътиқоди мустаҳкам, танти ва мард инсон – ўқитувчи Содиқнинг ҳаёти ва аччиқ қисмати туради. Ёзувчи бош қаҳрамон Содиқнинг 30- ва 40-йиллардаги ҳаёти тасвири мисолида романнинг ғоявий мазмунини қизиқарли ва таъсирли қилиб очиб берган. Содиқ образи орқали ўша йиллардаги нотинч, қалтис ва серғалва ҳаёт ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш, кўп нарсани билиб олиш мумкин.

Содиқ образида ўзбек халқига хос миллий характер белгилари аниқ ифодаланган. Содиқ ўз ҳаёти давомида не-не адолатсизлик ва тухматларга, нопоклик ва қийноқларга дучор бўлмасин, барибир тўғри йўлдан тоймайди, имонини йўқотмайди. Тухматдан ҳазар қилади. Ватанга, халққа хиёнат қилмайди. Эзгулик ва тўғрилиқ ҳақидаги муқаддас эътиқодига амал қилиб, доимо ақл ва адолат билан иш тутди.

“Олтин зангламас” романида Диловархўжа, Мирсалим, Қодир, Азиза, Чуханов, Пушкарёв каби образлар ҳам муҳим ўрин тутди. Шўҳрат ижобий образ яратишда ҳам, салбий образ чизишда ҳам ҳаёт ҳақиқатига мустаҳкам таянган ҳолда, руҳият таҳлили санъатидан ўринли фойдаланган. Ҳар бир образни ўзига хос феъл-атвор ва индивидуал тил билан таъминлаган. Бу хусусият, Шўҳратнинг, айниқса, “Жаннат қидирганлар” романида кўзга яққол ташланади.

Дарҳақиқат, Шўҳрат ижодида “Жаннат қидирганлар” романи фахрли ўрин эгаллайди, уни адибнинг шоҳ асари дейиш мумкин. Бу романни яратиш билан Шўҳрат совет тоталитар тузуми сиқувларига қарши чиқишга журъат этган. Романда мустамлакачилик, ватанфурушлик кескин қораланиб, мустақиллик ва озодлик самимият билан улуғланган. Роман воқеаси жаннатмакон юртимиз Ўзбекистонда ва хорижий шарқ мамлакатларининг бирида бўлиб ўтади. Ёзувчи ҳақиқий жаннат она-Ватанда бўлади, ҳақиқий бахтга она-Ватанни озод ва обод қилиш орқали эришилади, деган чуқур маъноли катта ғояни роман сюжетининг қат-қатига сингдириб юборган. Соф виждонли ўзбек фарзанди Умматали, боғча мудираси Нафиса, совхоз директори Алихўжа Азимхўжаев сингари ёрқин ижобий образлар яратиб, ўз ватанпарварлик бурчларини шараф билан адо этаётган, ҳалол меҳнат қилиб ватанимиз бойлигига бойлик, шўҳратига шўҳрат қўшаётган кишиларимизнинг юксак маънавий қиёфаларини яққол очиб берган.

“Жаннат қидирганлар” романида чет эллардаги миллий уйғониш, мустамлакачиликка қарши озодликка интилиш мавзуи ҳам анча кенг ва ҳаққоний акс этган. Пок виждонли, халқпарвар доктор, ўзбек фарзанди Абулбарака, эрксевар зиёли Зейтун, чет эллик оддий фуқаро Зилол образлари ва уларнинг бу соҳадаги саъй-ҳаракатлари фикримизнинг жонли далилидир. Абулбарака 1920 йилларда ўзи туғилиб-ўсган она юртини (Ўзбекистонни) ташлаб чет элга қочиб кетган Саидақбар хожига эътироз билдириб, “Лекин биринчи галда мустақиллик олиш керак. Мен бир халқнинг, у қанчалик катта ва маданиятли бўлмасин, иккинчи бир халққа нажот бахш этишига, унинг бахтини

очишига ишонмайман. Ҳар халқ каттадир, кичикдир ўзи алоҳида бўлиши, ўз аравасини ўзи тортиши керак. Бири иккинчисининг елкасига миниб олиб “Жаннатга кетаяпман” дейиши бекор”, – дейди.

Романдаги бу хил воқеа ва баҳслар муҳожирлар ҳаётидан олинган бўлса-да, асар аслида Россиянинг мустамлакачилик сиёсатини қоралаш, мустақиллик ва эрк учун курашга чақириш, ҳаётбахш рух – истиқлол ғояси билан суғорилган. Шунинг учун ҳам “Жаннат қидирганлар” романи Ўзбекистон мустақиллигини қадрлаш, мустақиллик неъматларининг моҳияти ва буюк аҳамиятини чуқур идрок этиш, ёш авлодни истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш ишига бевосита хизмат қилади.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, “Жаннат қидирганлар” романида эрксевар халқларнинг куч-қудрати ҳаққоний акс эттирилган. Романда тасвирланишича, асар қаҳрамонларидан бири “бу (мустамлакачилик) узоққа бормайди. Ўз халқининг миллий манфаатини кўзлайдиган, бу йўлда ҳатто, жонидан кечадиган кишилар доим бўлган, ҳозир ҳам бор. Кундан-кун кўпайяпти. Зулм қаттиқ, нафаси ичида. Самоварга ўхшаб, ичидан қайнаб, бир тошиши бор. Халқнинг интилиши булоқ, жуда кучли булоқ, минг устига тупроқ тортсин, кўзига кигиз тиксин, барибир, бир куни отилиб чиқади”, – дейди.

“Жаннат қидирганлар” романи бугунги китобхон учун ўтган асрнинг 60- йиллардаги тарихий жараёнларни, у давр одамлари кайфиятини яхшироқ тушуниб олишга ёрдам беради.

Шуҳрат ҳаққоний асарларни яратиш билан ўзбек романчилигининг юксалишига қимматли ҳисса қўшди. Унинг романларида “теша тегмаган” муҳим мавзулар акс эттирилган. Ҳаёт ҳақиқати бутун борлиғи ва мураккаблиги билан бадиий ҳақиқатга айлантирилган.

Шуҳрат шеърляти ва насриятига хос бўлган асосий ғоявий-бадиий хусусиятлар унинг сахна асарларига ҳам хосдир. Шуҳрат ўз ижодий фаолияти давомида “Беш кунлик куёв”, “Қўша қаринглар” каби комедиялар ҳам яратган. Бу сахна асарларида халқимизнинг миллий урф-одатлари, ажойиб фазилатлари улуғланган. Ҳаётдаги ижобий хислатлар севгига содиқлик,

маънавий ҳалоллик қўллаб-қувватланган. Шу билан бирга, қаллоблик, маънавий-ахлоқий нопоклик ҳажв қилинган. Ўз шахсий фароғатига эришиш учун ор-номуси ва виждонидан ҳам воз кечувчи айрим маккор, айёр, ҳаёсиз шахслар шармандан шармисор қилинган.

Хуллас, Шуҳрат кўпқиррали истеъдод соҳиби, ўз халқи, ўз ватанига содиқ ижодкор. Унинг талай асарлари мазмун жиҳатидан ҳам, шакл жиҳатидан ҳам баркамол ва гўзал. Бинобарин, улар XX аср ўзбек адабиётининг сара намуналари қаторида туради ва ёш авлодни эзгулик руҳида тарбиялашга бевосита хизмат қилади.

Иккиликлар ва тўртликларидан намуналар

Кўз

Кўз фақат кўз эмас, дунё дарчаси,
Кўринар яхшию ёмон – барчаси!

Зулук

Ширин деса одам қонини,
Дарров олинг унинг жонини!

Ўт

Ўт босди экинни, юлмадинг уни,
Қаёқдан тўйдирар у, ахир, сени!

Қобиллик

Парвона уради чирокқа ўзин,
Иккита қилолмай тақдирнинг сўзин!

Тош

Безиён – ер узра ётган қаттиқ тош,
Сен уни отмасанг ва ёрмасанг бош.

Дори

Заҳарни заҳар деб юзингни бурма,
Дори ҳам бўлади – қидириб юрма!

Нодон

Қанчалик ширинсўз бўлмасин нодон,
Пуч ёнғоқ ёнғоғ-у, бугдой эса дон!

Номукаммаллик

Чумчукда ботмон гўшт бор, деган одам
Ҳар ҳолда бут эмас, нимасидир кам!

Беҳуда

Тошни сен майдалаб айлама талқон,
Барибир очликка бўлмайди қалқон!

Бардош

Тош аро эзилиб, ун бўлиб майин,
Оловга дош бериб, нон бўлар кейин!

Ғийбат

Тош қаттиқ, азизим, бошни ёради,
Ғийбат-чи, қаттиқроқ – тошни ёради.

Нажоткор одам

Заҳардан илк дори ясаган одам –
Жаннатга илк одим ташлаган одам!

Журъат

Дунёни кўраман десанг кенг, очик,
Қир эмас, энг баланд чўкки узра чик!

Минбар

Тулкилар минбарга чикдими, демак,
Товуқлар ҳушёрроқ тортиши керак!

Из

Алданма куённинг изини кўриб,
У кечаёқ инига улгурган кириб!

Собитқадам

Ўзига ишонган ростгўй пок одам
Ҳар маҳал босикдир ва собитқадам.

Омад

Бахтлилар наздида омадсиз – ялқов,
Омади кетганнинг тили ҳам соқов!

Дўст

Юз йилда чин дўстни топмоқлик қийин,
Мумкиндир бир онда йўқотмоқ кейин.

Қизик

Ҳеч кимга ёкмайди омадсиз сўзи,
Ғилай ҳам кўринар соппа-соғ кўзи!

Айрилиқ

Тун қорайиб борар тобора,
Сен кетган тун баридан қора!

Жоҳил

Гитлер аввал китобни ёқди
Сўнг одамзод қасдига боқди!

Хитоб

Китобни сев, китоб қуш эмас,
Сенга қанот берса, ажабмас!

Шеър

Шеър нурлари қалбдан кўчади,
Қалбдан кўчиб, кўкка учади!

* * *

Бир лаҳза тинчима, дардкаш юрагим,
Тинчиган онингни ёмон кўраман.
Бу замин шунчалик нотинч қурраким,
Тинчитиб дардида бетинч юраман.

* * *

Ўт тушган юракка далда берма, қўй,
Ҳақ бўлса ўртаниб ёнсин то абад.
Дард билан яралган бу олам, бу қўй,

Дард билан улғаяр ҳаёт, муҳаббат!

* * *

Туғилмоқ – ўлмоқнинг илк дақиқаси,
Бас, нечун ўлимдан қўрқмоқ, аланглаб?
Сен шундай яшаки, виждонинг саси
Тарихлар уфқида қолсин жаранглаб.

* * *

Баҳор келди гул сочиб ҳар ён
Ва ўрмалаб кетди у тоққа.
Олкишлайди уни беармон
Боғда булбул, сойда курбақа.

* * *

Гул узмоқ ҳамманинг қўлидан келар,
Гул эса ҳаммани кўрмас муносиб,
Гул эмоқ ҳаммага бўлмайди насиб,
Ҳар ерда кўкармас биз севган гуллар.

* * *

Энг сўнгги онгача ардоқлаганим
Шу она тупроғим, шу она тилим.
Барибир меҳрига тўймайди таним,
Барибир армонда кетади дилим!

* * *

Душманнинг ошидан, дўст тоши яхши,
Ширин сўз – юракнинг беағи, нақши.
Ўзга юрт баҳори, чаман ёзидан
Минг бора аълодир она-Ер киши!

* * *

Тошкентда туғилдим, яшайман ҳамон,
(Ҳоким ҳам шу ерда қолур, албатта)
Лекин бир Тошкентмас, жумлайи жаҳон
Ташвиши қалбимга солур ғалаён!

* * *

Бир иссиқ саломнинг ҳикмати қанча,
Бир ширин каломнинг ҳикмати қанча,

Кўксингни очик тут дўстга, эй дўстим,
“Дўст” деган бу номнинг ҳикмати қанча!

* * *

Сен ҳавас қиласан, ўғлим, ёшимни,
Сен ҳавас қиласан мен кўрган жангни.
Оҳ, очиб кўрсатсам ғалвир тўшимни,
Эҳтимол топардинг ўз жавобингни.

* * *

Дунёда энг яхши, меҳрибон она,
Бу менинг онамдир, билинг, ёронлар!
Эй, ўғил -қизларим, бўлинг парвона,
Онамда қолмасин дарду армонлар!

* * *

Юраги ёнса, қўй, йиғласин гирён,
Қўркма сен, кўзга ёш этмайди таъсир!
Йиғидан етсайди кўзларга зиён,
Юз минглаб оналар бўларди басир!

* * *

Тил дами қиличдан ўткир бўлади,
Жароҳат изи ҳам битмайди асло.
Дилозор бўлмагин тилим узун деб,
Тил бошинг посбони ҳар чок, ҳар асно!

ШУХРАТНИНГ ИЖОДИЙ ЖАСОРАТИ

Бир асар тарихи

Ўтган асрнинг ўрталарига келиб, 50-йиллар бошларида ҳибсга олинган Мақсуд Шайхзода, Саид Аҳмад, Шукрулло, Шухрат каби адиблар эркинликка чиқиб, ижодга қайтган, асарлари босилиб турган бўлса-да, тоталитар режимнинг мудҳиш сиёсати туғдирган қўрқув салтанати ҳамон улар кўнглида ваҳима солишда давом этарди. Шахсан ўзим 50-йилларнинг охирларида Саид Аҳмад ака, Шухрат акалар билан яқиндан танишиб, бора-бора дўстлашиб, сирдошга айланган бўлсак ҳам, давраларда лагер ҳаётидан сўз кетганда улар очилиб-ёзилиб гапиришга ботинолмасдилар. “Нега бу мавзуда

ёзмайсиз?”, деб сўраганимда, Саид Аҳмад ака: “Дардимни янгилашдан кўрқаман” дер, Шухрат ака эса, “Пайти келиб қолар”, дея хаёлга толарди.

Адиб 1963 – 1965 йиллар давомида роман устида шиддат билан ишлади, уни икки йилдан сал ортиқроқ муддат ичида ёзиб тугатди. Асар 1964 йилнинг илк баҳор кунларида Ёзувчилар уюшмасида муҳокамага қўйилди. Қатағон воқеалари, лагер қийноқлари ҳақида ошкора ва мардона битилган асар қандай баҳоланар экан, деган ваҳм муҳокама қатнашчилари, хусусан, биз каби ёшлар кўнглини ғаш қилиб турарди. Муҳокамада биринчи бўлиб Абдулла Қаҳҳор сўз олди. Бу талабчан улуг сўз санъаткори ҳар бир чиқишга, жумладан асар муҳокамаларига ҳам пухта тайёргарлик кўрар, айтадиган гапларининг тезисларини қоғозга тушириб олар, сўзга чиққанида ўша қоғоздаги қайдларга қараб олиб гапирарди. Адибнинг уй-музейидаги архивда шундай нутқларининг қоғозга туширилган айрим қайдлари сақланган. Мен ушбу мақолага тайёргарлик кўриш асносида архив ашёларини титкилаб кўрдим, афсус, қидирган нарсамни тополмадим. Эҳтимол, у бирор жойда тургандир. Не қиларимни билмай юрганимда “Шарқ юлдузи”нинг “Олтин зангламас” романи охириги қисми босилган сони орасидан муҳокама чоғи Абдулла Қаҳҳор, Асқад Мухтор айтган гапларнинг энг муҳим жойларини ўзим ёзиб қўйган блокнот варақларини топиб олдим. Мана, ўшанда Абдулла Қаҳҳор нималар деган: “Мен анчадан бери ўзбек адабиётида айти шундай асар пайдо бўлишини, уни эса култ даври воқеалари атрофида эмас, ичида юрган қаламакашлар ёзиб беришини кутардим. Култ даврида авж олган кўркув туйғуси бунга йўл бермай келди. Шухрат қисматдошлари ичида биринчилардан бўлиб ана шу кўркув ваҳмини енгиб ўтолди”.

Абдулла Қаҳҳор сўзлари муҳокамага алоҳида рух бағишлади. Асқад Мухтор ва бошқа сўзга чиққанлар уни қўллаб-қувватладилар! Жумладан, Асқад ака: “Халқ душманлари ким-у, ўзларини совет тузуми посбонлари деб кўкрагига урганлар ким – Шухрат ўз романида уларнинг ҳақиқий қиёфасини кўрсатиб берган”, – деди .

Шундай қилиб, “Олтин зангламас”га оқ фотиҳа берилди. Шуҳрат ака муҳокамада билдирган мулоҳазалар бўйича роман матнини бошдан-оёқ бир кўздан кечириб, уни журналга тақдим этди. “Шарқ юлдузи”нинг ўша йилги 7-8-сонларида биринчи ва иккинчи қисмлари эълон этилди, улар дарҳол одамлар оғзига тушди, журналнинг ўша сонлари қўлма-қўл бўлиб кетди. Ўқувчилар асар давомини интизорлик билан кутарди. Шунда бирдан кўнгилсиз ҳодиса рўй берди: “Шарқ юлдузи”нинг навбатдаги 9-сони “Олтин зангламас”сиз чиқди. Мухлислар, эҳтимол, галдаги сонларида чиқар деб кутишди: йўқ, ўнинчи, ўн биринчи сонларида ҳам чиқмади. Журнал таҳририятига, адиб хонадонига телефон орқали қўнғироқ қилувчиларнинг кети узилмасди. Эл орасида ваҳимали миш-мишлар тарқалди, бирор кор-хол юз бергани аниқ. Дарҳақиқат, бу тасодиф эмас, махсус идора одамлари уюштирган фитна оқибати эди. Вазиятнинг чигаллиги яна шундаки, ўша кезлари Сталин қирғин-қатағонлари фош этган бош раҳбар лавозимидан четлатилиб, ўрнини турғунлик дояси саналмиш кимса эгаллаган ва у яқин ўтмиш жароҳатларини ҳар жиҳатдан хаспўшлаш сиёсатини бошлаб юборган эди... Ўша пайтлари Шуҳрат аканинг афтодаҳол чехрасига кўзим тушиб эзилар, ҳатто “Нима гап?” деб сўрашга ҳам тилим бормасди. Лекин у ҳам бўш келмади, ғанимлар билан мардона кураш олиб борди, ўзининг ҳақлигини исботлашга тиришди. Бу ҳаёт-мамот жангида журнал бош редактори Ҳамид Ғулом ҳам адиб ёнида туриб берди. Роман давоми бутунлай чиқмай қолса, ижодкор зиёлилар орасида норозиликка сабаб бўлишини назарда тутиб, махсус идоралар охири ён берди. Муайян чекиниш, муросаю мадора билан бўлса-да, роман муаллифи охир-оқибат ғолиб чиқди; роман учинчи қисмидаги бир қанча “қалтис ўринлари” таҳрир этилиб, тузатиладиган, ижодий руҳда қаламга олинган чекист образи фаолияти кенгайтирадиган бўлди. Асар атрофида ортикча шов-шувлар кўтармаслик бўйича кўрсатмалар берилди. Ниҳоят, журналнинг охириги 12-сонидан романнинг жиддий назардан ўтган учинчи қисми босилди. Ўқувчилар учун байрам бўлган бу асарни матбуот совуқроқ қарши олди. У ҳақда икки-уч

силлиқроқ тақриз чиқди, романнинг бош муаммоси бу ёкда қолиб, иккинчи даражали ўринлари, персонажлари устида андак баҳс бўлиб ўтди. Шунга қарамай, асарга қизиқиш тобора ортиб борди, у бир неча бор қайта нашр этилди. Бу ҳол юқори доирадаги масъул шахсларнинг ғашини келтирарди. Кейинроқ адиб журналдаги масъул котиблик лавозимидан ҳам кетди, “эркин ижодкор”га айланди. Энг ачинарлиси “Олтин зангламас”ни қўлдан чиқариб доғда қолган кимсалар адибнинг галдаги романи “Жаннат қидирганлар”га қарши ҳамлага ўтдилар. Жанжал тобора кескинлашиб, партия марказий қўмитасида муҳокама қилиш даражасига етиб борди. Инсофли, адолатли ижодкорларнинг қатъий туриб олишлари туфайли бу роман муаллифига нисбатан совуқ муносабат тўхтамади. Унинг ижодий меҳнатлари муносиб қадрланмади. Шухрат ака ҳар қанча жасур, матонатли, шахси бутун сиймо бўлмасин, бундай кўргиликлар кун-бакун унинг соғлиғини емира борди, пировардида, инсулт бўлиб тилдан қолди, оғир дард билан мардона олишди, умрининг охирига қадар қўлдан қаламини қўймади. Унинг бахти, омади шундаки, у ўзи орзу қилган адолат, озодлик эпкинлари эса бошлаган кунларни кўрди. Ватан, халқ, адабиёт олдидаги хизматлари тақдирланиб “Ўзбекистон халқ ёзувчиси” унвони билан тақдирланди; вафотидан кейин эса “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотланди.

Дадил айтиш мумкинки, Шухрат шеърляти, қисса ва бошқа романларини асло камситмаган ҳолда, адибнинг миллий адабиётимиз равнақидаги энг муҳим хизмати, бош асари “Олтин зангламас” романидир. Бу роман билан у тарихдаги буюк миссиясини адо этди, биринчи бўлиб ўз авлоди, аниқроғи, қатағон қурбонлари бадиий биографиясини яратишга журъат этди ва бунга эришди.

Умарали Норматов

Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2006 йил 1 декабр

**Шухрат ҳаёти, ижодий фаолиятини ҳамда у ҳақидаги
манбаларни биласизми?** мавзуида билимдонлар беллашувини
ўтказиш учун намунавий саволлар

1. Шухратнинг асл исмини айтиб беринг?
(Шухратнинг асл исми Алимов Ғулом Аминжонович).
2. Шухрат қайси билим юртларида ўқиган?
(Транспорт техникуми (1932 – 1933), Ўрта Осиё транспорт инженерлари тайёрлаш институти (1934 – 1936) ва Низомий номидаги Тошкент педагогика институти (1936 – 1940)да ўқиган).
3. Шоир нечанчи йилда қатағон қилиниб, қамоқ лагерларида бўлган ва қачон оқланган?
(Шоир 1951 йилда қатағон қилиниб, қамоқ лагерларида бўлган ва 1955 йилда оқланган).
4. Унинг илк асари номини айтиб беринг?
(Илк асари – “Меҳрол” (эртақ-достон, 1940).
5. Шухрат қайси комедияларни яратган?
(“Беш кунлик куёв” (1970), “Қўша қаринглар” (1971), “Она қизим” (1973) каби комедияларни яратган).
6. “Шинелли йиллар” романи қачон ёзилган?
(1958 йилда “Шинелли йиллар” романини ёзишга киришди).
7. Шухратнинг “Олтин зангламас” романи ҳақида гапириб беринг?
(Шухратнинг “Олтин зангламас” романида шахсга сиғиниш давридаги адолатсизликлар, оқни қора деб бегуноҳ кишиларни қамашлар, асосиз жазолашлар акс эттирилган).
8. Шоирнинг қайси достонларини биласиз?
(“Мардлик афсонаси” (1959), “Тулдурсин” (1960), “Сўлмас чечаклар”, “Жамила” (1962) сингари достонлар ёзган).
9. Шухратнинг “Жаннат қидирганлар” (1968) романи қайси романнинг мантиқий давоми?
(Шухратнинг “Жаннат қидирганлар” (1968) романи “Олтин зангламас”нинг мантиқий давомидир).
10. Шухрат 1948 – 1950 йиллари қайси журналда фаолият кўрсатган?

(У 1948 – 1950 йилларда “Шарқ юлдузи” журнали мудирлари лавозимида ишлаган).

11. Шухратнинг қайси романини шох асари дейиш мумкин?
(“Жаннат қидирганлар” романи).

12. Шухратнинг машҳур 30-йиллар қатағони ҳақида ҳикоя қилувчи романи қандай номланади?

(Унинг машҳур 30-йиллар қатағони ҳақида ҳикоя қилувчи романи “Олтин зангламас” деб номланган).

13. Шухрат нечанчи йили ва неча ёшида вафот этган?
(1993 йил 20 июнда 75 ёшида вафот этган).

14. Шухрат қандай орден билан мукофотланган?

(Шухрат вафотидан сўнг 2003 йилда “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотланган).

15. Шухрат қайси шоирларининг шеърларини ўзбек тилига таржима қилган?

(Г.Гейне, А.С.Пушкин, М.Ю.Лермонтов, А.Мицкевич, Т.Шевченко, М.Вокиф асарларини, шунингдек япон ва вьетнам, озарбайжон шоирларининг шеърларини ўзбек тилига таржима қилган).

16. Шоирнинг биринчи сахна асари қандай номланган ва бу асар қайси театр сахнасида қўйилган?

(Шоирнинг биринчи сахна асари “Беш кунлик куёв” Абдор Хидоятлов номли театр сахнасида қўйилган).

17. Шухрат қайси шоирга бағишлаб “Мажнунтол” шеърини ёзган?

(Шухрат Абдулла Қаҳҳорга бағишлаб “Мажнунтол” шеърини ёзган).

18. Адиб онасининг исмини айтинг?

(Адибнинг онаси – Холбиби ая).

Оғзаки журнал

АКМ ва АРМларида ўтказиладиган кечаларнинг яна бир тури оғзаки журналдир. Тарғиботнинг бу шакли оддий журналга бир оз ўхшаб кетади. Оғзаки журнал матбуот журнали каби битта мавзуга ёки турли мавзуга бағишланган бўлиши мумкин.

Журнал саҳифалари босмахонада босилмайди, аммо муаллиф сўзлари билан оғзаки тўлдирилади. Бундай муаллифлар кутубхоначилар, адабиёт ўқитувчилари, фаол китобхонлар ва бошқалар бўлиши мумкин.

Оғзаки журналнинг ҳар саҳифаси бирор-бир масалага бағишланади. Саҳифаларнинг умумий сони эса одатдаги журналдан бир мунча кам бўлиб, олти бетдан ошмайди.

Оғзаки журнални ҳам бошқарувчи, бу ерда муҳаррир деб аталувчи киши очади. Одатда у ҳар бир саҳифани очишдан илгари қисқача кириш сўзи сўзлайди, сўнг сўзни чиқувчига беради.

Қуйида Шухрат (Ғулом Алимов) таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган оғзаки журналнинг тахминий режасини тавсия этамиз. Ундан маърифатпарвар шоир Шухрат таваллудига бағишланган кечани ўтказишда фойдаланиш мумкин.

“Шухрат – моҳир романнавис, драматург” мавзuidaги оғзаки журналнинг намунавий режаси

Ёзувчи, аллома, адиб ва шоир ижодини кенг китобхонлар ўртасида тарғиб этишда оғзаки журналлар алоҳида аҳамиятга эга. Бунинг учун оғзаки журнал тўғрисидаги эълонлар маҳаллий матбуот орқали хабар берилиши керак, оғзаки журнални ўтказиш учун белгиланган жойни жиҳозлаш, керакли мутахассисларни таклиф этиш, журнал саҳифалари учун китобхонлар ёки мутахассислардан танлаб олиш, тартибини режалаштириш, журнал муҳарририни тайинлаш, мусиқали ёзувларни тўплаш, таклифнома буюртириш ва шу каби ташкилий ишларни амалга ошириш лозим.

Оғзаки журнални муҳаррир кириш сўзи билан очади.

1-саҳифа “Шухратнинг болалик йиллари”

2-саҳифа “Шухратнинг ижодий фаолияти”

3-саҳифа “Шухрат – улкан романнавис”

4-саҳифа “Шухратнинг Она-ватан ҳақидаги асари”

5-саҳифа “Шухрат ҳаётининг сўнгги йиллари”

Иштирокчилар ўзларига берилган саҳифа мавзусида йиғилганларга сўзлаб берадилар. Ҳар бир саҳифадан сўнг мусиқали ёки бадиий танаффус берилиши мумкин.

1-саҳифа

“Шухратнинг болалик йиллари”

Бу саҳифада Шухратнинг туғилган йили, оиласи, болалик йиллари ҳақидаги маълумотлар берилиши мумкин.

2-саҳифа

“Шухратнинг ижодий фаолияти”

Бу саҳифада адиб ижодий фаолиятининг бошланиши, дастлабки ишлари ва меҳнатининг тақдирланиши каби маълумотлар берилади.

3-саҳифа

“Шухрат улкан романнавис

Ушбу саҳифада адибнинг тарихий асарлари ҳақида сўз боради.

4-саҳифа

“Шухратнинг Она-ватан ҳақидаги асари”

Ушбу саҳифада муаллифнинг Она-ватан туйғусининг қанчалик бебаҳо эканини, бу туйғуни бошқа ҳеч қандай туйғуга қиёс қилиш ёхуд алмаштириш мумкин эмаслигини дил-дилдан қуйлагани, Она-Ватан образини қалб кўри, кўз нури билан яққол гавдалантиргани ҳақида сўз боради.

5-саҳифа

“Шухрат ҳаётининг сўнгги йиллари”

Бу саҳифада Шухрат ҳаётининг сўнгги йиллари, адибнинг Ватан, халқ олдидаги хизматлари ҳақида маълумот берилади.

Оғзаки журнални муҳаррир тўлдириб бериши мумкин.

Муҳаррир якуний сўз билан журнални ёпади.

**“Ҳамиша уйғоқ адиб” номли китоб кўргазмаси
тайёрлашнинг тахминий режаси**

Кўргазма 3 ёки 4 бўлимдан иборат бўлиши мумкин.
Кўргазма қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

**1. Шухрат (Ғулом Алимов) – моҳир романнавис ва
истеъдодли сўз санъаткори**

*Шухрат – истеъдодли шоир,
қобилиятли романчи, тажрибали
таржимон, ўзига хос драматург эди.
Ҳафиз Абдусаматов*

Бу бўлимга Шухратнинг драматик асарлари ва романлари
қўйилади.

2. Шеърятда тенгсиз маҳорат соҳиб

*Шухрат – жўшқин шоир, ўзининг
ахлоқий поклиги билан ҳамиша намуна
бўла олган шоирдир.*

Шукрулло

Бу бўлимга шоирнинг асарлари, дostonлари, шеърлари
қўйилади.

3. “Илоҳий дўстлик”

Дўстим кўплигидан ҳеч ажабланма,
Ёв хушомадидан кўп ғазабланма
Ва кутма яхшилик тариқча лекин!

Беш бармоқ баробар, тенг бўлса кошки,
Дўстларим юз эмас, минг бўлса кошки.
Душманнинг бири ҳам ортиқча лекин!

Бу бўлимда икки шоир – Абдулла Қаҳҳор ва Шухратнинг
дўстлиги, устоз-шогирд муносабатлари ҳақидаги адабиётлар ўз
аксини топади.

“Она – мўътабар” мавзуида шеърхонлик беллашувини ташкил қилишга тавсиялар

Танловнинг мақсади адибнинг “Она” мавзуида ёзилган шеърларига китобхонларнинг қизиқишларини оширишдан иборат.

Беллашув ўтказишдан олдин ҳар бири 5 кишидан иборат 2 та гуруҳ тузилади. Уларга асосан талабалар, билим юрти ўқувчилари киритилиши мумкин.

Беллашув ташкилотчилари қатнашувчиларга бериладиган шартларни тузиб чиқадилар, сўнгра ҳар бир қатнашувчи айтмоқчи бўлган шеърнинг мавзусини, агар имкон бўлса, қачон ёзилганлигини билиши шарт.

Беллашув ташкил қилинадиган жойда китоб кўргазмасини ташкил қилишни тавсия қиламиз.

Қуйида беллашувда айтиладиган шеърлардан намуналар келтирамиз.

1-рақамдаги қатнашувчи: “О, Она...” шеъри.

Кўз очиб оламга келгандан бери,
Неларни кўрмади бу бошим менинг.
Озми-кўпми танидим ҳаётнинг сири,
Қирққа ҳам етибди бу ёшим менинг.

Йилдан-йил орттирдим талай дўсту ёр,
Хурматлаб дедилар “дўстим”, “ўртоғим”.
Улғайдим: кўксимга бош қўйиб дилдор
У деди: “Бахтимсан, суянган тоғим”!
(Шеър қисқартириб берилди)

2-рақамдаги қатнашувчи: “Онангни учратдим”...

Бир ҳафта бўлдики, сен мендан йироқ...
Кун-кеча онангни учратиб қолдим.
Кўнглимда ёқилиб ногаҳон чироқ,
Кўзларим ёришиб, енгил тин олдим.

Биламан, онангнинг ҳеч хабари йўқ,

Иккимиз мубтало ишқу фироқдан.
Барибир шунда ҳам умид деган чўғ
Ялт этиб дилимда, боқдим йироқдан.

(Шеър қисқартириб берилди)

3-рақамдаги қатнашувчи: “Оналар нияти”

Бу яхши ниятли дунёдир, дўстим,
Ҳар фарзандга кўзлайди омад.
Омадсиз бўлса ҳам қилиб қаноат,
Омадли кунларни кутар сокин, жим.

Омадли кунларни кўзлайди она,
Омадли кунлардан сўзлайди она.
Оналар нияти ҳамиша эзгу.
Оналар юраги фарзандга кўзгу!

4 -рақамдаги қатнашувчи: “Онасини унутган” шеъри.

Онасини унутганнинг
Она тили бўлмайди,
Она тилин унутганнинг
Она эли бўлмайди.

Она тилинг унутдингми,
Демак, онанг унутдинг.
Элинг унут, она унут,
Хўш, ҳаётдан не умид?!

5-рақамдаги қатнашувчи: “Она кўзлари” шеъри

Онанинг кўзлари кўрмасдан қолди,
Тун билан кундузнинг фарқига бормас.
Кўзидан оламнинг кўрки қолди,
Аммоки кўзини эшикдан олмас.

Бедарак йўқолган ўғлининг ғами
Кўксини тош бўлиб эзиб ётади.

Кўзидан қуримас ҳали ҳам нами,
Ҳали ҳам ўғлини ёниб кутади.

Сочига оқ тушди,
Бели букилди.
Юзини қоплади тўр каби ажин.
Охири кўзлари тарки нур қилди,
Армонда ёнади топмай иложин!

Чорасини топмади не-не донолар ҳам,
Ҳаммаси ҳайратдан ёқасин тутди.
Ва лекин фарзанди кириб келган дам
Онанинг кўзлари очилиб кетди!

Беллашув якунини ҳакамлар маълум балл қўйиш билан
яқунлайдилар. Бунда иштирокчининг ижрочилик маҳорати ҳам
эътиборга олинади.

Хотира – қалб ёзуви

Шуҳрат аканинг жасорати, пўлатдек матонати, халқига,
устозига садоқати унга абадий саодат бахш этди. Чин инсон,
содиқ шогирд, катта адиб сифатида ҳаёт уни халқ муҳаббатига
абадий мушарраф этди.

Темур Убайдулло

Шуҳрат ҳалол кечирган умри ва яратган асарлари билан
ўчмас хотира қолдирган адибдир.

Ҳаким Назир

Адиб ижодда ҳам, ҳаётда ҳам ўзига содиқ қолди. Унинг
ибратли фазилати шундаки, таъма билан ижод қилмади.
Мукофот, унвонлар кетидан қувмади. У амал-мартабаси,
раҳбарларнинг муносабатига қараб дўст танламади. Виждони
буюрган ишни қилиб ўзини эркин тутди. Шундан ором олди.

Шукрулло

Шухрат ака орамиздан бевақт кетдилар. Лекин бу нодир сиймонинг ватан ҳимоясида ва ижод соҳасида кўрсатган жасоратлари умрбод дилимиз тўрида яшашга муносибдир.

Пиримкул Қодиров

Шухрат орамиздан бевақт кетди, ёш, авжи ижодий кучга тўлган чоғида кетди. Унинг номи ўчмайди, фарзандлари идрокида, асарлари саҳифаларида, китобхонлари дилида ҳамisha яшайди. У жўшқин, лирик ижоди билан орамизда юрибди.

Иброҳим Раҳим

Шоир, адиб, драматург Шухрат замон азобларидан йиқилиб, тўшакка ёпишиб қолган чоғида ҳам титроқ қўллари билан ҳақиқат олдида титрамайдиган асарлар ёзди. Ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ўз номини қолдирди.

Бу ном узоқ йиллар яшайди, деб умид қиламан.

Ўткир Ҳошимов

Шухрат ака лирик шоир, салмоқли романлар ёзган йирик адиб бўлишлари билан бирга, болалар адабиётининг жонкуяри эдилар. Устоз ижодида болаларга атаб ёзилган асарлар сезиларли ўрин тутди. Жўшқин шеър ва балладалари, ажойиб қисса ва ҳикоялари болалар адабиётининг бойишига ҳисса қўшгандир.

Рауф Толиб

Адамиз табиатан камтар, ўзларининг асарларини кўз-кўз қилишни унчалик ёқтирмайдиган одам эдилар. Адолатпарварлик, тўғрисўзликни улардан ўрганмоқ керак эди. Ҳавас қиларлик даражада тўғри сўз эдилар. Бундай юксак инсоний фазилатлар шўро замонсида шараф келтирмаслигини билсалар-да, адам ундан тойган эмаслар. Ҳалигача биз шу хислатлари билан фахрланамиз. “Бошга қилич келса-да, тўғрисини сўзла, тўғри сўзингда тур. Ёлғон Оллоҳга ҳам хуш келмайди” – дер эдилар у киши. Бутун ёзган асарларига шу рух

сингиб кетгани учун ҳам улар ҳалигача севиб ўқилмоқда, қайта-қайта нашр этилмоқда.

Бобур Алимов
(Шуҳратнинг ўғли)

Шуҳрат ака буюк инсонпарвар, миллатпарвар, диёнатли, жасур, Ватан ҳимоячиси, ҳақгўй ёзувчи эди. Авлодлари, дўстлари, шогирдлари ва китобхонлари хотирасида шундайлигича қолади.

Саид Алимов

АКМ, АРМ ва кутубхоналарда ўтказиш мумкин бўлган тадбирлар туркуми

Мавзулар тахминий бўлиб, АКМ, АРМ ва кутубхоналарда мутахассислар тадбирларнинг ўзи учун маълум шаклини танлаб олишлари мумкин.

Илмий-амалий конференция

1. “Шуҳрат – улкан адиб”
2. “Шуҳрат – истеъдодли шоир”.
3. “Шуҳрат ижоди” каби мавзуларида;
“Ҳаёт нафаси”, “Сенинг севгинг”, Қалбимни қайтар” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Мунозара кечаси

1. “Алишер Навоийнинг Шуҳрат ижодига таъсири”.
- 2 “Шуҳратнинг инсоний фазилатлар тўғрисидаги фикрлари.”
“Шоир қалбининг фариштаси” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Адабиётлар

Шухрат. Дунё сири; Фол; Умидим сендан: Янги шеърлар //Қишлоқ ҳақиқати.-1990.-1 февр.

Шухрат. Дунё, қушлар тили: [Шеърлар] //Шарқ юлдузи.-1991.-№6.-Б.80.

Шухрат. Жағига суянган хотин: Ҳикоя //Солиқ тўловчининг журнали.-2002.-№1.-Б.55-56.

Шухрат. Машраб: Роман //Шарқ юлдузи.-1998.-№1.-Б.3-68.

Шухрат. Онам, она тилим, она юртим: Шеър //Шарқ юлдузи.-2006.-№1.-Б.119-120.

Шухрат. Сен кетдинг ...: Шеър //Тошкент ҳафтанома.-2002.-14 март.

Шухрат. “Суратимга боқкин-у, қувон” [Ёзувчи билан мусохаба /Сухбатдош Оллоёр] //Ёш ленинчи.-1991.-18 июнь.

Шухрат. Эртанинг қадри: Шеър //Қишлоқ ҳақиқати.-1990.-1 янв.

* * * *

Азим Усмон. Одамзот бу дунёдан ўтиб борар... “Ўзбекистон халқ шоири Шухрат хотирасига” //Хуррият.-1998.-20 май.

Жўраев А. “Меҳрим она-еримда қолди”: [Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шухратнинг 90 йиллигига] //Миллий тикланиш.-2008.-16 апр.

Иброҳим Раҳим. Унинг сиймоси кўзим олдида: [Шоир, драматург Шухрат (Ғуломов Аминжон ўғли Олимов)ни эслаб] //Тошкент оқшоми.-1999.-2 июнь.

Каримов Н. Шоир ёққан чироқ: Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шухрат 75 ёшда //Халқ сўзи.-1993.-23 апр.

Кенжабек Мирзо. Озод қалб: Ёзувчи Шухратнинг ҳибсдаги ҳаётидан //Маҳалла.-2004.-7 янв; 1 янв; 21 янв; 28 янв.

Мирзаев С. Истеъдод – халқ бойлиги: [Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шухрат таваллудининг 85 йиллиги] //Мулоқот.-2003.-№5.-Б.18-20.

Мухтор Омон. Шухрат домла: Эссе //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2008.-18 апр.

Орипов Р. Шухрат домланинг севинчи: [Адиб Шухратни хотирлаб] //Ишонч.-2006.-25 авг.

Раҳматуллаева И. “Сизлар иноқ бўлинглар, шунда арвоҳим, шод бўлади”: [Ёзувчи Ғулом Алимов (Шухрат) ҳақида] //Жаннат Макон.-2007.-№4.-Б.8-13.

Ризаев Ш. “Мен тирикман, то оламда сўзим бор”: [Ўзбек адабиётига ўз ҳиссасини қўшган адиб Шухрат (Ғулом Алимов)нинг ёзган асарлари ҳақида] //Жамият.-2008.-21 март.-Б.28.

Сайёр. Меҳрибоним: [Устоз шоир ва адиб Шухрат сийратига чизгилар] //Ғулистон.-1999.-№2.-Б.44-45.

Ҳайруллаев М. “Олтин зангламас”: [Бетакрор ёзувчи Шухратни хотирлаб] //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2004.-7 май.

Босишга рухсат этилди 2008 йил 29 октябрь

Бичими 60x84 ¹/₁₆

Ҳажми 1.75 б. т. Нусхаси 300

Буюртма № 119

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
босмахонаси. 100033 Тошкент шаҳри, Истиклол кўчаси, 33.